

**АНДИЖОН ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.04/30.12.2019.Tib.95.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**АНДИЖОН ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ**

**КАМОЛОВ БОТИР БАХТИЁРОВИЧ**

**АМБУЛАТОР КУЗАТУВ ШАРОИТИДАГИ БЕМОРЛАРДА ЁШГА  
НИСБАТАН АРТЕРИАЛ ГИПЕРТОНИЯ ИККИЛАМЧИ  
ПРОФИЛАКТИКАСИНИНГ АҲАМИЯТИ**

**14.00.43 – Профилактик тиббиёт**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**АНДИЖОН – 2023**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)**

**Камолов Ботир Бахтиёрович**

Амбулатор кузатув шароитидаги беморларда ёшга нисбатан артериал  
гипертония иккиламчи профилактикасининг аҳамияти..... 3

**Камолов Ботир Бахтиёрович**

Значимость вторичной профилактики артериальной гипертонии по  
отношению к возрасту пациентов в амбулаторных условиях..... 34

**Kamolov Botir Baxtiyorovich**

Significance of Secondary Prevention of Arterial Hypertension in Relation to  
the Age of Patients in the Conditions of Out-Patient Department..... 64

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works..... 72

**АНДИЖОН ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.04/30.12.2019.Tib.95.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**АНДИЖОН ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ**

**КАМОЛОВ БОТИР БАХТИЁРОВИЧ**

**АМБУЛАТОР КУЗАТУВ ШАРОИТИДАГИ БЕМОРЛАРДА ЁШГА  
НИСБАТАН АРТЕРИАЛ ГИПЕРТОНИЯ ИККИЛАМЧИ  
ПРОФИЛАКТИКАСИНИНГ АҲАМИЯТИ**

**14.00.43 – Профилактик тиббиёт**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**АНДИЖОН - 2023**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2021.2.PhD/Tib2029 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Андижон давлат тиббиёт институтидабажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида ([info@adti.uz](mailto:info@adti.uz)) ва «ZiyoNet» ахборот-таълим порталида ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Тулабоева Гавхар Мирокборовна**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Авезов Давлат Қурбанбаевич**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Салоҳиддинов Зухриддин Салоҳиддинович**  
Тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Етакчи ташкилот:**

**Тошкент педиатрия тиббиёт институти**

Диссертация ҳимояси Андижон давлат тиббиёт институти хузуридаги DSc.04/30.12.2019.Tib.95.02 рақамли Илмий кенгашининг 2023 йил «\_\_\_»\_\_\_\_\_ соат \_\_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 170100. Андижон шаҳри. Ю.Отабеков кўчаси 1-уй; Тел/факс: (+998)74-223-94-50; e-mail: info@adti.uz)

Диссертация билан Андижон давлат тиббиёт институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 170100, Андижон шаҳри. Ю.Отабеков кўчаси 1-уй; Тел/факс: (+998)74-223-94-50; e-mail: info@adti.uz)

Диссертация автореферати 2023 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ да тарқатилди.

(2023 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси)

**Х.Х. Турсунов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,  
тиббиёт фанлари доктори, доцент

**Д.З.Мамарасулова**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий  
котиби, тиббиёт фанлари доктори, доцент

**Н.С.Мамасолиев**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт  
фанлари доктори, профессор

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти. Дунёда артериал гипертония (АГ) қон айланиш тизими касалликлари, асосан, меҳнатга лаёқатли аҳоли орасида тарқалиши бўйича етакчи ўринда туради<sup>1</sup>. АГ инсоният тарихида XX асрнинг ноинфекцион пандемияси ҳисобланиб, XXI асрда ҳам давом этиб келмоқда. Тиббий, ижтимоий оқибатларнинг муҳимлиги турли ёш гуруҳларида кишиларнинг ногиронлиги ва ўлимнинг асосий сабаби, замонавий соғлиқни сақлашнинг муҳим муаммоси саналади. Мазкур муаммо аҳамиятли эканлиги катта миқдордаги антигипертензив дори воситаларининг (АГДВ) мавжудлигига қарамай, реал амалиёт шароитида артериал босимнинг мақсадли кўрсаткичига 5-31% ҳолатда эришиш мумкин. С.А.Шальнова маълумотига кўра, дунёда фақат 21,5% беморлар артериал гипертония касаллигидан самарали даволанмоқда<sup>2</sup>. Бу бирламчи бўғинга мослаштирилган самарали, шу билан бирга энг арзон профилактика ва даволаш чораларини ишлаб чиқиш зарурати ҳақида маълумот беради. Мазкур адабиётлар артериал гипертония билан хасталанган беморларнинг ҳаёт сифатини ёмонлашганлиги ҳақида маълумот беради. Тадқиқотнинг долзарблиги артериал гипертонияга чалинган беморлар сонининг ортиб бораётганлиги билан изоҳланади. Касалликнинг кенг тарқалиши, беморлар сонининг доимий ўсиб бораётганлиги, қишлоқ ва шаҳар аҳолиси орасида артериал гипертония ривожланиш хавф гуруҳини ташкил этадиган беморларни ўз вақтида аниқлаш ва касалликни олдини олиш муҳим вазифалардан бири ҳисобланади.

Жаҳонда бугунги кунда қишлоқ тиббиёти маҳаллий соғлиқни сақлашнинг “оғриқли нуқтаси” ҳисобланади. Умуман олганда, ўлим даражаси бўйича қишлоқ шаҳардан 20% устунлик қилади, бунда асосий омил юрак қон-томир касалликларидан меҳнатга лаёқатли кишилар ўлими саналади. Қишлоқ аҳолиси орасида артериал босим билан беморларнинг касалхонада даволаниш кунларининг ўртача миқдори юқориликча қолмоқда, катта ёшдаги аҳолининг артериал гипертония билан касалланиш кўрсаткичлари шаҳар аҳолисига нисбатан анча паст. Бу касалликни аниқланмаганлиги ва қишлоқ соғлиқни сақлаш тизими ҳолатининг ёмонлиги билан боғлиқ. Қишлоқ аҳолиси саломатлигининг ҳар томонлама ўрганишга бағишланган илмий ишлар кўплаб замонавий қишлоқ жамияти ва уларнинг ҳаёт фаолияти учун хос: экологик, ижтимоий-иқтисодий, демографик, ҳудудий, маданий омиллар таъсирида тасдиқланади. Қишлоқ беморларига тиббий ёрдам кўрсатишни ташкиллаштиришнинг ўзига хос хусусиятлари фельдшер-акушерлик пунктлари (ФАП) ва марказий туман касалхоналари (МТК) радиуси, ишнинг мавсумийлиги, қишлоқ хўжалигидаги ишлаб чиқариш ва маиший шароитнинг

<sup>1</sup>Агаев А.А. Значимость коррекции факторов риска для лечения и профилактики артериальной гипертензии в поликлинических условиях. //Казанский медицинский журнал. 2015. Т. 96. № 6. С. 994-999.

<sup>2</sup>Шальнова С.А., Баланова Ю.А., Константинов В.В. и др. Артериальная гипертония: распространенность, осведомленность, прием антигипертензивных препаратов и эффективность лечения среди населения Российской Федерации. //Российский кардиологический журнал. — 2006. — № 4. — С.45-50.

ўзига хослиги билан белгиланади. Касалликнинг олдини олиш, артериал гипертониянинг дастлабки белги ва хавф омиллари (ХО) кузатилган беморларни эрта аниқлаш, АГ билан хасталанган беморларга тиббий ёрдам кўрсатиш сифатини ошириш, аҳоли, жумладан қишлоқ аҳолиси орасида даволаш, соғломлаштириш ишларини кучайтириш, касаллик профилактикаси тизимини такомиллаштириш бўйича самарали ва фойдали тадбирларни излаш, замонавий соғлиқни сақлаш тизимининг муҳим вазифаси ҳисобланади.

Мамлакатимизда тиббиёт соҳасини ривожлантириш, шунингдек, тиббиёт тизимининг жаҳон стандартлари талабларига мувофиқлиги, хусусан, кардиологик касалликларини эрта ташхислаш, даволаш ва асоратларини олдини олишга катта эътибор қаратилмоқда. «...Мамлакатимизда тиббий ёрдам самарадорлиги, сифати ва қулайлигини ошириш, шунингдек, касалликларни эрта ташхислаш ва даволашнинг юқори технологик усулларини жорий этиш, патронаж хизматларини яратиш, соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва касалликларнинг олдини олиш...»<sup>3</sup> каби вазифалар, касалликнинг асоратларидан ногиронлик ва ўлимни сезиларли даражада камайтиради. АГ ни эрта ва ишончли ташхислаш ва даволаш профилактик чора тадбирларини ишлаб чиқиш, замонавий гипертония мактабини яратиб ўзини ўзи даволаш тадқиқот усулларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш орқали аҳолининг ҳаёт сифатини яхшилайдди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022 - 2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги фармони, 2021 йил 25 майдаги ПҚ-5124-сон «Соғлиқни сақлаш соҳасини комплекс ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги, 2020 йил 12 ноябрдаги ПҚ-4891-сон «Тиббий профилактика ишлари самарадорлигини янада ошириш орқали жамоат саломатлигини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори, шунингдек ушбу соҳа йўналишида қабул қилинган бошқа меъёрий – ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация иши муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялар ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишларига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Артериал гипертониянинг даволаш ва унинг келтириб чиқарувчи асоратларнинг профилактикаси бўйича бир катор замонавий адабиётлардаги маълумотлар ва тажрибани ўрганиш шуни кўрсатдики, бу муаммо келтириб чиқарадиган асоратлари билан хаттоки ривожланган мамлакатларда халигача ҳам юқори ўринларни эгаллаб келмоқда. Касалликни асоратларини профилактикасида нафақат стандарт даволаш усулларига, балки унинг келиб чиқишига сабабчи бўлган

---

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги 5590-сонли «Соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида Фармони»

хавф омилларига эътиборли бўлиш бир қатор илмий изланишларда ўз исботини топган (Агаев А.А. ва бошқ., 2015).

Мазкур касалликнинг даволашда бевосита хавф омиллари инобатга олиниши, у келтириб чиқарувчи асорталарнинг профилактикаси беморларнинг ҳаёт сифатини яхшилашда бевосита катта аҳамият касб этади. (Быков А.Т., ва бошқ., 2015; Полозова Э.И., ва бошқ., 2019)

Мамлакатимиз амалий тиббиётида ҳам изланувчилар томонидан артериал гипертониянинг амбулатор босқичда ўзгартириб бўлувчи хавф омилларини бартараф этишга бағишланган илмий изланиш олиб борилган (Азимов С., ва бошқ., 2020; Аляви Б,А., ва бошқ., 2021; Таджиев Ф,С., ва бошқ.), артериал гипертонияни даволашда кон-томирларда дағаллик ҳолатларини юрак ремоделланиш жараёнига негатив таъсир кўрсатиши ўрганилган бўлиб, айниқса бу ҳолат айрим систолик гипертония ҳолатларида янада жиддий тус олиши борасида илмий ишлар мавжуддир (Абдуллаева Г.Ж., ва бошқ., 2020).

Бирок, мамлакатимизда бугунги кунга қадар гипертония касаллигини даволаш ва шифокорлар тавсияларига бўлган мойиллик кўрсатгичи ҳамда профилактика натижаларини яхшилаш бўйича тадқиқотлар регион кесимида етарли олиб борилмаган. АГ билан оғриган беморларнинг ёшига ва жинсига кўра таҳлили регион кесимида олиб борилмаган. Гипертония касаллигини келиб чикишида муҳим ўрин тутган хавф омилларини ёшга нисбатан таҳлили етарлича ўрганилмаган. АГ даражасининг ёшга нисбатан таҳлили регион кесимида етарлича изланишлар олиб борилмаган. Илмий изланишлар натижаларига кўра АГ ли беморларнинг халқаро кардиологик жамиятнинг АГ диагностика, профилактика ва даволаш борасидаги тавсиясияларида кўрсатилган гипотензив дори воситаларини қабули ва уларнинг кунлик миқдори етарлича ўрганилмаган. Артериал гипертония билан оғриган беморларда монотерапия ва комбинацияли терапияни қабули натижасида артериал қон босимининг мақсадли кўрсатгичга эришиш натижалари ёшга нисбатан таҳлили етарлича ўрганилмаган. Артериал гипертония ўқув дастурининг самарадорлиги беморларнинг шифокорларга бўлган мурожатларининг камайиши билан ифодаланди, шу билан бирга ўқув дастурида иштирок этган беморларнинг касалхонага такрорий ётқизирилиши ва поликлиника шифокорларга такрорий мурожати гуруҳлар кесимида етарлича ўрганилмаган.

Шундай қилиб, АГ ни эрта ва ишончли ташхислаш ва даволаш профилактик чора тадбирларини ишлаб чиқиш замонавий гипертония мактабини яратиш ўзини ўзи даволаш тадқиқот усулларидан фойдаланиш орқали аҳолининг ҳаёт сифатини яхшилайдиган тадқиқотларни амалга ошириш зарурлигини тақозо этади.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Ушбу диссертация тадқиқоти Андижон давлат тиббиёт институтининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ №012000273 сонли «Ўзбекистоннинг турли ҳудудларида сурункали ноинфекцион касалликларни эрта ташхислаш,

даволаш ва профилактика қилишнинг илғор инновацион технологияларини ишлаб чиқиш» мавзуси доирасида амалга оширилган (2020 – 2024 йй).

**Тадқиқотнинг мақсади:** Артериал гипертония касаллиги билан оғриган беморларнинг ёшга нисбатан ҳаёт сифатини яхшилашда иккиламчи профилактика бўйича тадбирлар аҳамиятини асослашдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

текширувга жалб этилган беморларда артериал гипертония касаллигини келтириб чиқарувчи ва унинг ривожланишида ўрин тутган хавф омиллари ҳақидаги тиббий маълумотни беморларнинг ёшига кўра баҳолаш;

артериал гипертония даражаларини беморларнинг ёшига нисбатан тарқалиши ҳолатини аниқлаш;

артериал гипертония касаллиги билан оғриган беморларнинг фармакоэпидемиологик ҳолатини ва беморларнинг шифокор тавсияларига мойиллиги (приверженность) кўрсаткичини таҳлил қилиш;

артериал гипертония билан хасталанган беморларнинг шифохоналарга ётқизилиш сабаблари ва уларда артериал қон босимининг мақсадли кўрсаткичга пасайиш ҳолатларини таҳлил қилиш;

"Артериал гипертония мактаби" ни яратиш ва унинг амбулатория кузатув босқичида шифокор тавсияларига риоя қилиш нуқтаи назаридан самарадорлик чора-тадбирларини ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объекти** Олдинга қўйилган мақсад ва вазифаларни амалга ошириш учун Андижон вилоятининг, Асака тумани, Асака шаҳрининг кўп тармоқли 1-сон марказий поликлиникасида 298 та АГ билан оғриган беморлар текширувга олинди.

**Тадқиқотнинг предмети** сифатида артериал гипертония билан оғриган беморлар ва амбулатор карта материаллари олинган.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Диссертация тадқиқотларини олиб боришда артериал гипертония билан хасталанган беморларнинг амбулатор картасидан, инструментал, биокимёвий шунингдек сўровномалар ва статистик усуллардан фойдаланилди.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

Амбулатор кузатув босқичидаги 60 ёшдан катта бўлган беморларда, АГ учраш ҳолатлари 60 ёшгача бўлган беморларга нисбатан юқорилиги ва бу борада айнан аёл беморлар етакчи эканлиги исботланган;

артериал гипертониянинг келиб чиқишида муҳим ўрин тутган хавф омиллари 60 ёшдан кичик бўлган беморларда юқори кўрсаткичга эга бўлганлиги исботланган;

амбулатор босқичида кузатувга олинган беморларда гипотензив дори воситаларининг кунлик миқдори етарлича эмаслиги, шу билан бирга юқори коморбид ҳолатларда гипотензив дори воситаларининг комбинацияли усуллари борасида бир қатор камчиликлар мавжудлиги исботланган;

бунинг баробарида ҳар иккала гуруҳ беморларида артериал қон босимининг мақсадли кўрсаткичига эришилиши паст эканлиги исботланган;

беморларнинг шифокорлар тавсиясига мойиллик даражаси таҳлили 60 ёшдан улуғ беморларимизда 60 ёшдан кичик бўлган беморларга нисбатан ишонарли равишда юқори эканлиги исботланган;

артериал гипертония мактабида иштирок этган беморлар гуруҳида касалхонага такрорий ётқизилиш кўрсаткичлари, поликлиникага мурожатлар сони камайиши, артериал кон босимининг ишонарли равишда мақсадли даражага пасайиши ва даволанишга бўлган мойиллик даражаси ортиб бориши исботланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

олинган натижалар асосида амалиёт шифокорлар учун, артериал гипертония билан оғриган беморларни самарали даволаш ва унинг профилактика чора-тадбирлари бўйича ўқув дастурини ишлаб чиқилган ва унинг асоратларини, шифокорларга бўлган мурожатлар сонини камайтириш мақсадида аҳоли орасида янада мукамал маълумот маконини яратиш лозимлиги тавсия этилган;

олиб борилган тадқиқотлар асосида тайёрланган «Артериал гипертония мактаби»дан фойдаланиш натижасида артериал гипертония билан касалланган беморларда самарали даволашга эришибгина қолмай, балки уларнинг шифокорлар тавсиясига бўлган мойиллиги ортиб борган, бу эса ўз навбатида артериал гипертония келтириб чиқарадиган асоратларни олдини олиниши билан изоҳланган;

натижалар артериал гипертония билан оғриган беморларда даволанишнинг асосли монанд усуллари ишлаб чиқилган ва хасталикнинг хавф омилларининг таъсирини ўрганган ҳолда уларнинг профилактика чоралари катта аҳамият касб этиши исботланган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** ишда қўлланилган назарий ёндашув ва усуллар, олиб борилган текширувларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, беморлар сонини етарли эканлиги, клиник, лаборатор – асбобий ва статистик таҳлил усулларида фойдаланиб олинганлиги, назарий ҳамда амалий натижалар монандлиги, шунингдек олинган натижаларнинг хорижий олиб борилган нуфузли тадқиқот натижалари билан ҳамоҳанглиги ҳамда ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқлангани билан асосланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.**

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти амбулатор босқичда артериал гипертониянинг олдини олиш бўйича асосий йўналишларни беморларнинг ёшига кўра таҳлили олиб борилган бўлиб, клиник кечиши, хавф омилларининг таъсири, ҳаёт прогнози ёши улуғ бўлган беморларда ўрта ёшли беморларга нисбатан ёмонроқ бўлиши билан изоҳланади. Амбулатор кузатув шароитида "Артериал гипертония мактаби"нинг амалиётга тадбиқ этиш ва унинг самарадорлигини ўрганиш, беморларда даволанишга мойиллигини ошириш, бу эса ўз навбатида беморларда ногиронликни ва такрорий касалхонага ётқизилишини камайтириш, аҳоли ўртасида касаллиги бўйича кенг маълумот олиши ва соғлиғига янада эътибор бериши бўйича боғлиқликлари борлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти артериал гипертонияси бор бўлган беморларда даволаш усулларини янада такомиллаштириш, беморларнинг даволанишга мойиллик даражасини ошириш, артериал гипертония келтириб чиқарадиган асоратларни профилактикасини олиб боришда самарали натижа бериши билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларини жорий қилиниши.** Ўзбекистонда инновацион технологиялардан фойдаланган ҳолда артериал гипертония билан касалланган беморларни “Артериал гипертония мактаби” да ўқитиш самарадорлигини мослаштириш, амалга ошириш ва баҳолаш бўйича олиб борилган илмий тадқиқот натижалари асосида:

## **1-ИЛМИЙ ЯНГИЛИК**

**Илмий янгиликнинг моҳияти:** Амбулатор кузатув босқичидаги 60 ёшдан катта бўлган беморларда, АГ учраш ҳолатлари 60 ёшгача бўлган беморларга нисбатан юқорилиги ва бу борада айнан аёл беморлар етакчи эканлиги исботланган.

**Илмий янгиликнинг аҳамияти:** Ўзбекистон ҳудудларида аҳоли ўртасида артериал гипертонияга олиб келувчи хавф омилларини барвақт аниқлаш, ёшига ва жинсига кўра саралаш ва уларга индивидуал тарзда профилактик чора тадбирларни ишлаб чиқишни имконини беради.

**Илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши:** Фарғона шаҳар 1-сонли шифохонаси (11.08.2022 й.; №121), Наманган шаҳар 4-оилавий поликлиника шифохонаси (15.08.2022 й.; №122), амалиётга жорий этилди.

**Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги** қуйидагилардан иборат: Жорий этиш натижалари АГни барвақт аниқлаш кўрсаткичини оширишга, касалликнинг профилактика ва даволашда аҳолини жалб қилишни оширишга, ҳамда АГ назоратини оширишга имкон берган.

**Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги** қуйидагилардан иборат:

Тадқиқот натижалари бўйича “Гипертония мактаби” яратилиб, аҳолида ушбу касалликнинг ривожланиши ва кечишига янгича муносабатларни олиб киради, скрининг – профилактик технологияларни кенг жорий қилинишига муҳим ва сезиларли ижобий ҳисса қўшади. Амалиётга жорий қилиниши натижасида беморларнинг шифокорлар тавсиясига бўлган мойиллиг даражасини ортиши ва бунинг баробарида, беморларнинг шифокорларга такрорий мурожати, шифохоналарга такрорий ётқизилиш кўрсаткичи камайишига олиб келди. Шу билан бир қаторда аҳоли ўртасида артериал гипертониянинг кенг тарқалиши ва у келтириб чиқарадиган жиддий асоратларни камайтириш имконини беради.

**Хулоса:** Ретропреспектив текширув натижалари Андижон вилояти, Асака шаҳрида АГ билан оғриган беморларнинг ёшига кўра таҳлили 60 ёшдан катта бўлган беморларда 60 ёшгача бўлган беморларга нисбатан 51.2 % га юқори эканлигини ва бу борада аёл жинсига мансуб беморлар 48% билан эркаклардан устун эканлиги исботланди.

Камолов Ботир Бахтиёровичнинг «Амбулатор кузатув шароитидаги беморларда ёшга нисбатан артериал гипертония иккиламчи профилактикасининг аҳамияти» мавзусида илмий янгиликларни бошқа соғлиқни сақлаш муассасаларига жорий этиш бўйича Андижон давлат тиббиёт институти Эксперт кенгашига 2022 йил 26 сентябрдаги 8 и-з/490 - сон хат юборилган.

## **2-ИЛМИЙ ЯНГИЛИК**

**Илмий янгиликнинг моҳияти:** артериал гипертониянинг келиб чиқишида муҳим ўрин тутган хавф омиллари 60 ёшдан кичик бўлган беморларда юқори кўрсаткичга эга бўлганлиги исботланган.

**Илмий янгиликнинг аҳамияти:** Ўрта ёшдаги яни 60 ёшгача бўлган аҳоли орасида АГ хасталигига олиб келувчи хавф омилларини эрта аниқлаш ва уни бартараф қилиш орқали беморларда касалликнинг ривожланиши ва асоратларини олдини олишга имконият яратиб беради.

**Илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши:** Фарғона шаҳар 1-сонли шифохонаси (11.08.2022 й.; №121), Наманган шаҳар 4-оилавий поликлиника шифохонаси (15.08.2022 й.; №122), амалиётга жорий этилди.

**Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги** қуйидагилардан иборат: Амбулатор кузатув шароитидаги беморларда АГ скрининг технологияларини такомиллаштириш бўйича тадқиқот натижалари асосида яратилган «Артериал гипертонияси бўлган беморларни бошқариш бўйича ўқув дастурларини амалга ошириш» мавзусидаги услубий тавсиялар аҳоли орасида турли табиатли АГни барвақт аниқлаш, АГ ни келтириб чиқарувчи хавф омилларини бартараф қилиш, "ўз-ўзини даволаш" ва "ўзини ўзи бошқариш" имконини беради.

**Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги** қуйидагилардан иборат:

1. 60 ёшдан кичик аҳоли орасида АГ ривожига тўғридан-тўғри ва кучли таъсирларини ўтказиб турувчи етакчи хавф омилларга (Тамаки чекиш, алкоголь, психоэмоционал зўриқиш, тузни кўп истеъмол қилиш) аниқлик киритилган.

2. Тадқиқот натижасида АГнинг келтириб чиқаришда маълум бўлган турли хавф омилларини аҳолида алоҳида ўзига хос хусусиятлари аниқланган ва исботланган.

**Хулоса:** Артериал гипертониянинг келиб чиқишида муҳим ўрин тутган хавф омилларини таҳлил қилиш натижалари, 60 ёшдан кичик ва катта бўлган беморлар гуруҳида психоэмоционал зўриқиш етакчилик қилиши исботланди. 60 ёшдан кичик бўлган беморларимиз ош тузини, алкогольни кўп истеъмол қилишлари ва тамаки кўп чекишлари билан 60 ёшдан катта бўлган беморлардан ишонарли равишда фарқланиши кузатилди.

Камолов Ботир Бахтиёровичнинг «Амбулатор кузатув шароитидаги беморларда ёшга нисбатан артериал гипертония иккиламчи профилактикасининг аҳамияти» мавзусида илмий янгиликларни бошқа соғлиқни сақлаш муассасаларига жорий этиш бўйича Андижон давлат тиббиёт

институту Эксперт кенгашига 2022 йил 26 сентябрдаги 8 и-з/490 - сон хат юборилган.

### **3-ИЛМИЙ ЯНГИЛИК**

**Илмий янгиликнинг моҳияти:** амбулатор босқичида кузатувга олинган беморларда гипотензив дори воситаларининг кунлик миқдори етарлича эмаслиги, шу билан бирга юқори коморбид ҳолатларда гипотензив дори воситаларинг комбинацияли усуллари борасида бир қатор камчиликлар мавжудлиги исботланган.

**Илмий янгиликнинг аҳамияти:** Амбулатор кузатув шароитидаги беморларда гипотензив дори воситаларининг кунлик миқдорининг етарлича қабул қилинишига, шифокорларнинг жаҳон стандартларига риоя қилишини таъминлашга, бунинг натижасида нишон азоларининг ривожланиш хавфини камайтириш имконини беради.

**Илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши:** Фарғона шаҳар 1-сонли шифохонаси (11.08.2022 й.; №121), Наманган шаҳар 4-оилавий поликлиника шифохонаси (15.08.2022 й.; №122), амалиётга жорий этилди.

**Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги** қуйидагилардан иборат: Тадқиқот натижалари бўйича “Гипертония мактаби” яратилиб, аҳолида шифокорлар тавсиясига мойиллик кўрсатгичи ошганлиги исботланди, бунинг баробарида гипотензив дори воситаларининг кунлик миқдори асосий гуруҳда назорат гуруҳига нисбатан ишонарли тарзда ошганлиги ва комбинацияли даво усулида ҳам камчиликлар бартараф этилганлиги исботланди.

**Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги** қуйидагилардан иборат:

Аҳоли орасида артериал гипертонияни коморбидлик фонидида келиб чиқиш ва кечишини эпидемиологик жиҳатларини аниқлашда аҳолида АГ ривожланишининг скрининг модели ва даволаниш режалари ишлаб чиқилган, ундан касалликни прогнозлаш ва даволашда кенг фойдаланиш мумкинлиги исботланган.

**Хулоса:** Илмий изланишлар натижасига кўра АГ ли беморлар халқаро кардиологик жамиятнинг АГ диагностика, профилактика ва даволаш борасидаги тавсиясияларида кўрсатилган гипотензив дори воситаларини қабул қилган, аммо уларнинг кунлик миқдори етарлича бўлмаганлиги кузатилди.

Камолов Ботир Бахтиёровичнинг « Амбулатор кузатув шароитидаги беморларда ёшга нисбатан артериал гипертония иккиламчи профилактикасининг аҳамияти » мавзусида илмий янгиликларни бошқа соғлиқни сақлаш муассасаларига жорий этиш Андижон давлат тиббиёт институти Эксперт кенгашига 2022 йил 26 сентябрдаги 8 и-з/490 - сон хат юборилган.

### **4-ИЛМИЙ ЯНГИЛИК**

**Илмий янгиликнинг моҳияти:** бунинг баробарида ҳар иккала гуруҳ беморларида артериал қон босимининг мақсадли кўрсаткичига эришилиши паст

эканлиги исботланган.

**Илмий янгиликнинг аҳамияти:** АГ билан хасталанган беморларнинг шифокорлар тавсиясига мойиллик даражасини ортишига, бунинг натижасида касалликнинг асоратлари, ногиронлик ва ўлим кўрсаткичини камайишига олиб келади.

**Илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши:** Фарғона шаҳар 1-сонли шифохонаси (11.08.2022 й.; №121), Наманган шаҳар 4-оилавий поликлиника шифохонаси (15.08.2022 й.; №122), амалиётга жорий этилди.

**Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги** куйидагилардан иборат: Гипертония мактабининг самарадорлиги қайси кўрсаткичлар билан бахоланади, бу албатта Артериал гипертониянинг мақсадли кўрсаткичга эришиши билан, кўриб турганингиздек асосий гуруҳда 53% ҳолатларда мақсадли даражага эришилиб, назорат гуруҳидаги беморларда бу кўрсаткич 33% эканлиги исботланди. Гипертоник инқирозлар ҳам асосий гуруҳда, назорат гуруҳига нисбатан ишонарли 37% га кам учраганлигини исботлади. Шу билан бирқаторда бош мия инсульти ҳам асосий гуруҳда, назорат гуруҳидаги беморларга нисбатан 60% кам учраши тадқиқотимизда ўз исботини топди.

**Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги** куйидагилардан иборат:

Гипертоник кризлар, асосий гуруҳда 129 та бемордан 15 та (11,6 %) ни ташкил этган бўлса, назорат гуруҳида бу кўрсаткич 43 та (31%) га тенг бўлди.

Бош мия инсултлари асосий гуруҳда 6,2% (n=8; 1 та беморда геморагик инсулт ўлим билан яқунланди, 2 та беморда транзитор ишемик ҳолати ва 5 та беморда ишемик инсулт ) ни ташкил этса, назорат гуруҳидаги беморларда 10,1 % (n=14; 2 та беморда геморагик инсулт) ўлим билан яқун топди, 5 та беморда транзитор ишемия ва 7 та бемор ишемик инсулт) тенг бўлгани аниқланди.

**Хулоса:** Олинган натижалар шуни кўрсатдики иккала терапия фониди ҳам артериал қон босимининг мақсадли кўрсаткичига эришилмаган. Бунга сабаб; беморларнинг шифокор тавсиясига лоқайдлиги, дори воситаларини кунлик миқдори пастлиги, беморларнинг ўзбошимчалик билан кунлик миқдорини пасайтириши ва моддий қийинчиликдалигидадир.

Камолов Ботир Бахтиёровичнинг « Амбулатор кузатув шароитидаги беморларда ёшга нисбатан артериал гипертония иккиламчи профилактикасининг аҳамияти » мавзусида илмий янгиликларни бошқа соғлиқни сақлаш муассасаларига жорий этиш бўйича Андижон давлат тиббиёт институти Эксперт кенгашига 2022 йил 26 сентябрдаги 8 и-з/490 - сон хат юборилган.

## **5-ИЛМИЙ ЯНГИЛИК**

**Илмий янгиликнинг моҳияти:** беморларнинг шифокорлар тавсиясига мойиллик даражаси таҳлили 60 ёшдан улуғ беморларимизда 60 ёшдан кичик бўлган беморларга нисбатан ишонарли равишда юқори эканлиги исботланган.

**Илмий янгиликнинг аҳамияти:** Тиббий муолажаларга риоя қилиш- бу даволаниш ва профилактика дастурларининг энг муҳим таркибий қисмларидан

биридир. Сўнги йилларда муолажаларга риоя қилиш артериал гипертония (АГ) ривожланиши учун мустақил хавф омили сифатида қаралади. Кекса ва қари ёшдаги беморлар гуруҳида даволанишга мўйиллигини ортиши, уларнинг шифокорларга қайта муружати ва шифохонада такрорий даволаниш кўрсаткичини камайишига олиб келади.

**Илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши:** Фарғона шаҳар 1-сонли шифохонаси (11.08.2022 й.; №121), Наманган шаҳар 4-оилавий поликлиника шифохонаси (15.08.2022 й.; №122), амалиётга жорий этилди.

**Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги** қуйидагилардан иборат: Бизнинг илмий изланишимизда Мориск-Грин сўровномаси ёрдамида 85 (28,5%) та беморимизда шифокорлар тавсиясига комплаентлик кузатилган бўлса, шулардан 55 (65%) таси 60 ёшдан катта ва 30 (35%) таси 60 ёшдан кичик бўлган беморларни ташкил этди. Демак ёши улуғ беморларда даво-ланишга бўлган мўйиллик 54,5% билан 60 ёшдан кичик бўлган беморлардан устун эканлиги аниқланди.

**Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги** қуйидагилардан иборат:

- 1) Консерватив даволаш тизимида даволаш натижаларини яхшилаш.
- 2) Беморларнинг ҳаёт сифатини яхшилаш.
- 3) Шифокорларга қайта-қайта муружатини камайтириш.
- 4) Шифохонага ётқизилиш миқдорини камайтириш.
- 5) Касаллик асоратларини камайтириш.

Даволашнинг янги усуллари жорий этишда ногиронликни камайтиришнинг иқтисодий самарасини беради.

**Хулоса:** Мориск-Грин сўровномаси ёрдамида 28,5% беморимизда шифокорлар тавсиясига комплаентлик кузатилган бўлса, шулардан 65% 60 ёшдан катта ва 35% 60 ёшдан кичик бўлган беморларга тўғри келди, яъни 60 ёшдан кичик бўлган беморларга нисбатан ёши улуғ беморларда даволанишга бўлган мўйиллик даражаси 54,5% ишонарли равишда юкори эканлиги исботланди.

Камолов Ботир Бахтиёровичнинг « Амбулатор кузатув шароитидаги беморларда ёшга нисбатан артериал гипертония иккиламчи профилактикасининг аҳамияти » мавзусида илмий янгиликларни бошқа соғлиқни сақлаш муассасаларига жорий этиш бўйича Андижон давлат тиббиёт институти Эксперт кенгашига 2022 йил 26 сентябрдаги 8 и-з/490 - сон хат юборилган.

## **6-ИЛМИЙ ЯНГИЛИК**

**Илмий янгиликнинг моҳияти:** артериал гипертония мактабида иштирок этган беморлар гуруҳида касалхонага такрорий ётқизилиш кўрсаткичлари, поликлиникага муружатлар сони камайиши, артериал кон босимининг ишонарли равишда мақсадли даражага пасайиши ва даволанишга бўлган мўйиллик даражаси ортиб бориши исботланган.

**Илмий янгиликнинг аҳамияти:** Ўқув дастурида иштирок этган беморларнинг гуруҳида касалхонага ётқизилган беморлар ва поликлиника

шифокорларга мурожат қилганлар сони, мактабда иштирок этмаган беморлар гуруҳидаги кўрсаткичларга нисбатан кам бўлганлигини инобатга олган ҳолда, гипертония касаллигини асоратларини олдини олиш ва беморларнинг шифокорлар тавсияларига мойиллигини ошириш, шифохоналарга мурожатини камайтириш мақсадида амбулатор шароитида “Артериал гипертония мактаби” ни яратиш аҳамияти каттадир.

**Илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши:** Фарғона шаҳар 1-сонли шифохонаси (11.08.2022 й.; №121), Наманган шаҳар 4-оилавий поликлиника шифохонаси (15.08.2022 й.; №122), амалиётга жорий этилди.

**Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги** 1 йил давомида кузатув натижалари шуни кўрсатдики, асосий гуруҳда назорат гуруҳига нисбатан касалхонага ётқизилган беморларнинг сони анча кам бўлган (n=51, 39,5%). Артериал гипертония мактабида иштирок этмаган беморлар гуруҳида эса бу кўрсаткич 51% га тенг бўлди (n =70). Шу билан биргаликда поликлиника шифокорларга мурожат қилган беморларнинг сони ҳам камайди: асосий гуруҳда 41% (n =53), назорат гуруҳида 63% (n =87). Мактабнинг самарадорлиги АБ ни мақсадли даражага пасайиши билан ҳам ифодаланди. Дастлабки кўрсаткич 25,5% ни ташкил этган бўлса, 1 йилдан сўнг АБ мақсадли даражага пасайиши асосий гуруҳда 53% (n=69) , назорат гуруҳида эса 33% (n=45) беморларда кузатилди.

**Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги** куйидагилардан иборат:

1 йиллик кузатув давомида тиббий муассасага ташриф буюрган беморларнинг ўртача харажатлари таҳлили шуни кўрсатдики, асосий гуруҳда беморлар ўртача 655 000 сўм сарфлашган. Ушбу харажатлар артериал гипертония аломатлари билан боғлиқ равишда хусусий тиббий муассасаларга текшириш ёки хусусий фавқулодда ёрдам гуруҳларини чақириш билан боғлиқ эди. Назорат гуруҳида худди шу кўрсаткич 1120 000 сўмни ташкил етди. Харажатлар самарадорлик кўрсаткичларини ҳисоблаш шуни кўрсатдики, асосий гуруҳдаги беморларни тиббий бошқариш бир қанча тежамкор бўлган.

**Хулоса:** Артериал гипертония ўқув дастурининг самарадорлиги беморларнинг шифокорларга бўлган мурожатларининг камайиши билан ифодаланди, яни ўқув дастурида иштирок этган беморларнинг гуруҳида касалхонага ётқизилган беморлар 39,5%, поликлиника шифокорларга мурожат қилганлар 41%, мактабда иштирок этмаган беморлар гуруҳида эса бу кўрсаткичлар 51% ва 63% тенг бўлганлиги аниқланди.

Гипертония касаллиги ва унинг асоратларининг профилактикаси бўйича тадқиқотнинг илмий натижалари асосида ишлаб чиқилган “Артериал гипертонияси бўлган беморларни бошқариш бўйича ўқув дастурларини амалга ошириш” мавзусидаги услубий тавсиянома тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2022 йил 26 сентябрьдаги №8 н-з/490 сонли маълумотномаси). Мазкур услубий тавсиянома артериал гипертония билан хасталанган беморларни “Артериал гипертония мактаби” орқали ўз-ўзини даволаш ва ўзини ўзи назорат қилиш аспектларини ўргатиш дастури бўлиб, беморларнинг клиник ва функционал ҳолатини яхшилашга, уларга тавсия этилган терапияни

иктисодий жиҳатдан арзон ва замонавий алоқа воситалари орқали самарали назорат қилиш имконини берган.

Олинган илмий натижаларнинг амалиётга жорий қилиниши юрак-қон томир асоратлари ривожланиш хавфларининг олдини олишга, аҳоли ўртасида касалликни камайтириш имконини берган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 2 та илмий-амалий анжуманларда, жумладан, 1 та халқаро ва 1 та Республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 9 та илмий иш чоп этилган бўлиб, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда 4 та мақола, жумладан, 3 таси Республика ва 1 таси хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши.** Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, амалий тавсиялар ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 112 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **кириш қисмида** ўтказилган тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурлиги, тадқиқот мақсади ва вазифалари асослаб берилган, тадқиқот объекти ва предмети тавсифланган, республикада фан ва технологияларнинг устивор йўналишларига мувофиқлиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва олинган натижаларнинг амалий аҳамияти, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилмаси бўйича маълумотлар баён қилинган.

Диссертациянинг **“Амбулатор кузатув шароитидаги беморларда ёшга нисбатан артериал гипертония иккиламчи профилактикасининг аҳамияти”** деб номланган биринчи бобида АГнинг эпидемиологик ҳолати ва уни даволашга замонавий ёндашиш, АГ билан касалланган беморларда жараённинг ўзига хос кечиш хусусиятлари, механизмлари тўла қонлик билан ёритилиб берилган. Эътиборли тарафи ёш ўтиб бориши билан юрак ва томирлар тузилиши ва функциясида рўй берадиган ўзгаришларга, АГ бўлган беморларни даволашга мойиллик муаммосининг долзарблиги ҳақида ҳам тўхталиб ўтилган. Шу билан биргаликда кексаларда дориларни қабул қилишдаги ўзига хос томонларини батафсил ёритиб берилган. Кексалар организмида тана аъзоларининг физиологияси, дорилар элиминацияси, дори воситаларининг таъсири ва уларни буюришнинг қоидалари ҳақида ҳам мулоҳаза юритилган.

**“Материаллар ва тадқиқот усуллари”** номли иккинчи бобида текширилган беморларнинг умумий тавсифномаси маълумотлари, тадқиқотнинг клиник-гемодинамик, лаборатор, функционал услублари келтирилган. Тадқиқот баённомасига мувофиқ 2019 йилдан то 2021 йилгача бўлган давр ичида 298 та Артериал гипертония (АГ) хасталигига эга бўлган беморлар жалб этилди. Тадқиқот Андижон вилоятининг, Асака тумани, Асака

шаҳрининг кўп тармоқли 1-сон марказий поликлиникаси шароитида амалга оширилди. Тадқиқотимиз 2 босқичдан иборат бўлди. Биринчи босқичда махсус тайёрланган анкеталардан фойдаланилди, яъни беморларнинг жинси, ёши, маълумоти, бандлик даражаси ва оилавий ҳолати аниқланди. Шу билан биргаликда яшаш шароити, шифокорларга мурожати ҳам инобатга олинди. Иккинчи босқичда беморларнинг АГ ҳасталиги ҳақида қай даражада тушунчага эга эканлиги, даволаниш даражаси, артериал қон босими назорати ўрганилди. Беморларга “Артериал гипертония мактаби” ташкил этилди. Мактабнинг асосий мақсади беморларга АГ келиб чиқиши сабаблари, кечиши, даволаш усуллари, асоратлари ва унинг профилактикасидан иборат эди. Текширувга жалб этилган беморлар учун махсус карталар тузилди.

Тадқиқотга жалб этилган беморларимизнинг 60 ёшгача бўлганлари 34% (n =101) ни ташкил қилса, 60 ёшдан сўнг 66% (n =197), эркаклар 40% (n =120), аёллар эса 60% (n=178) ташкил этди. АГ нинг ўртача давомийлиги  $10,2 \pm 5,6$  йилни ташкил этди.

Текширувга жалб этилган беморларимизнинг 31 (10,4%) таси кейинги текширувларда иштирок этишдан воз кечдилар. Шулардан 20 таси 60 ёшдан катта, 11 таси 60 ёшдан кичик беморлардан иборат бўлди. Демак, текширувга жалб этилган беморларнинг 1 йилдан кейинги умумий сони 267 ни ташкил этди.

Артериал гипертония мактабидаги иштирокига кўра беморлар 2 гуруҳга бўлиндилар, 1 гуруҳ (n=129, асосий гуруҳ) артериал мактабида иштирок этган ва 2 гуруҳ (n=138 назорат гуруҳи) дастурда қатнашмаган беморлар. Ушбу машғулот кунига 45 дақиқа давомида 6 кун давомида беморлар билан ўтказилди.

Беморларни назорат қилиш бевосита телефон қўнғироқлари орқали амалга оширилади. Кузатув муддати бир йилни ташкил этади. Беморлар назорати тизимли бўлмаган телефон алоқалари, мобилхабарчилар (телеграмма) орқали интерактив алоқа орқали амалга оширилди. Мониторинг даври 1 йилни ташкил этди.


Беморларга физикал текширув, стандарт методология бўйича Артериал босимни (АБ) ўлчаш, антропометрик кўрсаткичлар, электрокардиография (ЭКГ), Эхокардиография (Эхо КГ) текшириш усули ва беморларнинг даволанишга бўлган мойиллигини баҳолаш учун Мориск—Грин сўровномасидан фойдаланилди. Биокимёвий тадқиқотлардан, қонда глюкоза миқдори, липид алмашинуви ҳолатини ўрганилди.

Тадқиқот давомида олинган маълумотлар PentiumIV шахсий компьютерида Microsoft Office Excel – 2013 дастурий пакети ёрдамида статистик ишлов берилди, жумладан, статистик ишлов беришнинг ички функцияларидан фойдаланиш, шунингдек, STATISTICA- 6,0 дастурий пакетидан фойдаланиш. Ўртача арифметик ўрганилаётган кўрсаткич (М), ўртача квадратик оғиш (СД), стандарт ўртача хато (m), нисбий қийматлар (частота, %), ўртача қийматларни таққослашда олинган ўлчовларнинг статистик аҳамиятини ҳисоблаш билан вариацион параметрик ва параметрик бўлмаган статистик усуллардан фойдаланилган усуллар Стъудент мезонлари (t)

томонидан тақсимотнинг нормаллигини текширишда хато ( $p$ ) эҳтимолини ҳисоблаш ва умумий вариацияларнинг тенглиги (Фишер  $f$  - мезонлари). Статистик жиҳатдан муҳим ўзгаришлар учун  $p < 0,05$  ишончилиги даражаси қабул қилинди.

Диссертациянинг “**Шахсий тадқиқот натижалари**” учинчи бобида Артериал гипертонияли беморларда хасталикнинг учраш ҳолатлари, клиник белгилари ва хабардорлик кўрсаткичлари таҳлил қилар эканмиз, илмий изланишимизда АГ нинг тарқалиши борасида қуйидаги маълумотга эга бўлдик: 60 ёшгача бўлган беморлар 34 % ( $n = 101$ ) ни ташкил қилса, 60 ёшдан катталар 66% ( $n=197$ ) ни, бу дегани ёши улў беморларимизда АГ нинг учраш даражаси 60 ёшгача бўлган беморларга нисбатан 51.2 % ( $p=0.001$ )га юқори эканлигидир.

АГ учраш ҳолатини беморларнинг жинсига нисбатан таҳлил қилганимизда эркекларда учраш ҳолати 40% ( $n = 120$ ), аёлларда эса 60% ( $n=178$ ) экани маълум бўлди. Бу эса АГ ни аёлларда эркекларга нисбатан 48% га ( $p=0.001$ ) юқори эканлигини намоён қилди.



Илова: \*\*\* $p < 0.001$  гуруҳлар аро ишонарли кўрсаткич

### 1-расм. АГ нинг беморлар ёшига, жинсига кўра учраш ҳолати (n)

Кейинги босқичда текширувга олган беморларнинг АГ касаллиги борасидаги тушунчага эга эканлигини таҳлил қилдик. АГ талукли бўлган Европа ва Россия мамлакатларида муҳокамадан ўтган клиник тавсияларда АГ ли беморларнинг яшаш сифати уларнинг АГ ҳақида хабардорлиги катта аҳамият касб этади.

Таҳлилларимизга кўра АГ ли беморларимизнинг 298 тасидан 201 таси (67%) АГ дан хабардор бўлган. Шу билан бирга аёл беморларимиз 69 % ( $n=139$ ) ҳолатда артериал қон босими кўтарилишидан бохабар бўлган бўлса, бу кўрсаткич эркекларда 31% ( $n=62$ ) ташкил этди. Айни худди шундай кўриниш беморларнинг ёшига нисбатан таҳлилида ҳам кузатилди 68% ( $n=137$ )>60, 32% ( $n=64$ )<60 беморларда.

Юқорида келтирилган маълумотларга кўра 201 та бемор АБ нинг кўтарилиб туришидан бохабар эди, аммо шулардан 27,3% ( $n=55$ ) АБ ни мунтазам назорат қилиб турган, 54.7% ( $n=110$ ) эса безовта бўлган шароитда шифокорларга мурожат қилган. Шуниси ачинарлики текширувдаги 18% ( $n=36$ )

беморлар умуман шифокорларга мурожат қилмасдан, ўз бошимчалик билан дори воситаларини қабул қилган.


Кейинги навбатда АГ билан хасталанган беморларда клиник ҳолатини таҳлил қилдик. АГ ли беморларни қон босими юқорига бўлган ҳолатларда аввалам бор юрак уриб кетиши (49.8%), бош оғриши (45.3%), қулоқ шанғиллашиши (36%), кўз олдини қоронғилашуви (33.9%), бош айланиши (31.5%) каби клиник белгилар кузатилиши аниқланди.

Артериал гипертония билан оғриган беморларнинг клиник белгиларини беморларнинг ёшига кўра таҳлил натижалари 60 ёшдан катта бўлган беморларнинг энг кўпи билан, яъни 37% ҳолатда бош айланиши, 43% бош оғриши ва 52,8% юрак уриб кетиши безовта қилган. 60 ёшдан кичик беморларимизда эса клиник белгилардан юрак соҳасидаги оғрик (45,5%;  $p<0.01$ ) ва бўйин гардон қотиши (61,3%;  $p<0.001$ ) бўлди. 60 ёшдан катта бўлган беморларимизда бош айланиши, бошдаги оғрик, кўз олдини қоронғилашуви ва қулоқ шанғиллаши шу ёшдаги беморларимизда дисциркулятор энцефалопатия клиник аломатларини 60 ёшдан кичик бўлган беморларга нисбатан кўп учраши билан боғлаш мумкин.

Шундай қилиб, олинган натижаларимизга кўра, 298 та АГ билан оғриган беморларимиздан 67% АГ дан хабардор бўлган. Ёши улуғ беморларимизда АГ нинг учраш даражаси 60 ёшгача бўлган беморларга нисбатан 51.2 % га юқори эканлиги илмий изланишимизда исботланди. АГ ни аёлларда эркакларга нисбатан 48% га юқори эканлигини намоён бўлди. Аёл беморларда артериал қон босими кўтарилишидан бохабарлиги, эркакларга нисбатан 45% юқори эканлиги маълум бўлди. Ёши улуғ беморларда эса 46.7% юқори эди.

Кейинги босқичда АГ билан оғриган беморларнинг АГ даражасига кўра таҳлил қилдик. Унга кўра Андижон вилоятида олиб борилган текширувлар артериал гипертония билан оғриган 298 беморларда АГнинг даражага нисбатан тарқалиши кўп қирралик эканлигини кўрсатди.

Таҳлил натижалаларига кўра, 51.3% ( $n=153$ ) АГ 2 даражаси, 40,6% ( $n=121$ ) АГ 1 даражаси ва ниҳоят 8.0 % ( $n=24$ ) ҳолатларда АГ 3 даражасини учраши аниқланди. АГ2 даражаси текширувга олинган беморларда устун эканлигини илмий изланишимиз исботлади. Иккинчи ўринни АГ1 даражали ва учунчи ўринни АГ3 даражали беморлар эгаллади.




Илова: \*\*p<0.01, \*\*\*p<0.001 гурухлар аро ишонарли кўрсаткич

